

ҚОНУН МАТНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.

Исаева Озода Бобоқуловна

Термиз муҳандислик агротехнологиялари университети

она тили ва адабиёти ўқитувчиси

isayevaozoda@gmail.com

+998915110880

**MAQOLA
MALUMOTI**

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 25.08.2025

Revised: 26.08.2025

Accepted: 27.08.2025

KALIT SO'ZLAR:

*Қонун матни,
ҳуқуқий дискурс,
ҳуқуқий терминология,
норматив-ҳуқуқий
ҳужжат, услубий
хусусиятлар, расмий-
иш юритиш услуги,
юримдик аниқлик,
мантиқ ва изчиллик,
стилистик
нейтраллик,
интерпретация,
амалиётда қўллаш,
семантик аниқлик.*

Табу ва эвфемизм ҳодисалари жаҳон тилишунослигида атрофлича тадқиқ этилган, одатда, эвфемизм ҳодисаси табу билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. XX-XXI асрларда эвфемистик лексика муаммоси ва унинг бошқа тил ҳодисалари билан алоқасига доир олиб борилган бир қатор илмий тадқиқотларда эвфемизм маданий нутқ яратишда асосий роль ўйнайдиган, сўзловчининг дунёқараши ва фаҳм-фаросатини кўрсатувчи бирлик эканлиги қайд этилган.

Эвфемизм муаммоси ҳар доим тилишуносларни қизиқтирган. Эвфемистик иборалар жамоатчилик фикридаги ўзгаришларга тез мослашадиган билвосита алоқа шакли бўлиб хизмат қилади. Бироқ ушбу лингвистик элементларни ўрганиш бир неча омиллар билан мураккаблашади. Масалан, битта контекстда коммуникатив норма деб ҳисобланиши мумкин бўлган нарса бошқа тил ҳамжамиятида мутлақо номақбул деб ҳисобланиши мумкин. Луғатларда қайд этилган кенг тан олинган эвфемизмлардан ташқари,

маълум контекстларда ишлатиладиган жуда кўп ситуацион (вазиятли) эвфемистик иборалар мавжуд бўлиб, уларнинг эвфемистик роли фақат уларни ўраб турган ҳолатлар билан белгиланади. Вақт ўтиши билан бу ҳодисани таҳлил қилиш қийин иш, чунки “тақиқланган” атамалар турли тарихий даврларда турлича бўлиши мумкин. Эвфемистик алмаштиришларни аниқлаш ва ўрганиш учун маълум бир даврнинг тарихий контекстини яхши тушуниш муҳимдир

КИРИШ

Табу – баъзи иш-ҳаракат, фаолият ёки сўзнинг ман этилиши. Л.Штернберг табуни полинезиялик халқларда учратади¹²¹. Л.П.Крисин ҳозирги кунда табу Африка, Жанубий-Шарқий Осиё ва Австралиянинг қатор қабилаларида сақланиб қолганини таъкидлайди¹²². А.Омонтурдиев фикрича, “табунинг этногенезисини, яъни қаерда, қачон пайдо бўлганлиги, қайси уруғ, қabila ёки халқ удуми эканини айтиш мушкул. Зотан, у ижтимоий, тарихий-этнографик ҳодиса, тил ва тафаккур қаби қадимий. Илдизлари ибтидоий онгда яхшилиқ ва ёмонлик тушунчаси пайдо бўлиши, борлиқнинг илоҳийлаштирилиши (фетишизм), рух тушунчасининг шаклланиши (анимизм), кўчиб юриш (реинкарнация – таносух), ҳайвонларга сиғиниш (анимализм), умуман, тотемик, мифологик тасаввурга бориб тақалади”. Олим табу ва эвфемия ҳодисасининг пайдо бўлиш сабаблари ва қўлланиш мақсадига доир умумтилшунослик, туркология, жумладан, ўзбек тилшунослигида мавжуд фикрларга алоҳида тўхталиб ўтади¹²³.

Ш.Гулямова¹²⁴ таъкидлаганидек, “эвфемизм фақат кўрқиш, бидъат сабабли табу қилинган сўз ўрнида қўлланивчи ҳодиса эмас, балки нутқ маданиятига эришиш,

¹²¹ Штернберг Л. Табу // Энциклопедический словарь. – Петербург, 1901.

¹²² www.philology.ru Крысин, Л. П. Эвфемизмы в современной русской речи [Электронный ресурс].

¹²³ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс. – Т., 2009. – 252 б.

¹²⁴ Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари: Филол.фан. бўйича фал. док-ри дисс... – Бухоро, 2020. – 163 б. – Б. 19.

сўзловчи фикрини суҳбатдошга одоб доирасида беришни таъминлаб берувчи восита ҳам эканлигини кўрсатади. Зеро, табу сўзлар маъносини ёпиш учун хизмат қилувчи эвфемизмлар маданийлашган нутқнинг асосий сифатларидан ҳисобланади”.

Эвфемизмларни ўрганиш XVII асрда инглиз лексикографи Томас Блаунт¹²⁵ мазкур атамани ёқимсиз сўзнинг ижобий ёки хайрихоҳ талқини сифатида белгилаганида бошланган. 1960 йилда нашр этилган “Принципы истории языка”¹²⁶ (“Тил тарихи тамойиллари”) китобида немис олими Г.Пауль эвфемизация жараёнининг энг муҳим белгиларини аниқлай олган. Ушбу китобнинг нашр этилиши билан бу жараённи фаол ўрганиш бошланади ва Г.Пауль эвфемизмларни ўрганиш асосчиларидан бирига айланади. Кейинчалик рус тилининг “Словарь русского языка”¹²⁷ (“Малый академический словарь”) лугати эвфемизм таърифини кўпол, одобсиз, нолойиқ ифода ўрнида ишлатиладиган сўз ёки ибора сифатида киритди.

“Эвфемизм” атамаси қадимги юнонча “euphémee” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мен чиройли, хушмуомалалик билан гапираман”, деган маънони билдиради. Замонавий фойдаланишда эвфемизмлар тил эгалари томонидан тўғридан-тўғри атамани алмаштириш учун ишлатиладиган лингвистик элементларга (масалан, сўз, ибора ёки тавсифловчи конструкциялар) мурожаат қилади, бу контекстда ноўрин, кўпол ёки бефарқ деб қабул қилиниши мумкин. Масалан, “ўғирлаш” ўрнига “қарз олиш” ва ҳ¹²⁸.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбек тилшунослигида Н.Исмагуллаев ва А.Омонтурдиевнинг илмий ишларида эвфемизм ходисаси, уларнинг услубий хусусиятлари, чорвадор нутқида қўлланувчи эвфемизмларнинг лингвистик ўзига хосликлари¹²⁹ махсус тадқиқ қилинган. А.Омонтурдиев эвфемизмни услубшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида кенг

¹²⁵Enright D. J. Fair of Speech: The Uses of Euphemism / D.J.Enright. – Oxford: Oxford Univ. Press, 1985. – 225 p.

¹²⁶Пауль Г. Принципы истории языка. / Г. Пауль. – М.: Изд-во иностр. лит., 1960. – 500 с. – С. 123.

¹²⁷Малый академический словарь. / под ред. А.П. Евгеньевой. – М., 1984. – С. 746.

¹²⁸ Кудряшова А.П. Об использовании эвфемизмов. Форум молодых ученых. 4 (20) 2018. – С. 758-762.

¹²⁹ Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 24 с. // Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1997. – 23 б. // Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): филол. фан. докт... дисс. – Т., 2009. – 252 б.

доирада ўрганиб, “Ўзбек нуткининг эвфемик асослари”, “Профессионал нутк эвфемикаси” номли монографияларида, “Бир сўз луғати”, “Сўз қўллаш санъати”, “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати” каби ишларида ўзбек нуткининг эвфемик асосларини тадқиқ қилади¹³⁰. А.Э.Маматов, З.Холманова, Х.Қодирова ва Д.Рустамованинг илмий ишларида эса фразеологизмларнинг шаклланишига эвфемик ва дисфемик бирликларнинг таъсири, “Бобурнома” асарида қўлланган эвфемизмлар, муаллифлик эвфемизмлари ҳамда эвфемизмларнинг метафорик хусусиятлари таҳлил этилган¹³¹. Ш.Гулямова¹³² ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятларини, Н.Ғайбуллаева¹³³ ўзбек тиббий эвфемизмларини, С.Турдимуродов¹³⁴ эса ўзбек тилининг изоҳли луғатларида эвфемик маънолар талқини масаласини тадқиқ қилган.

А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да эвфемизмга куйидагича изоҳ берилади: Эвфемизм (юнонча “euphemismos”, эу - яхши + рhemi - гапираман) нарсасизликнинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол ботмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, *иккиқат*, *бўғоз* сўзлари ўрнида *ҳомиладор*, *огироёқли* сўзларини қўллаш¹³⁵.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари объективлик, аниқлик ва бетарафлик билан ажралиб турадиган расмий иш услубида ёзилади. Гарчи кўплаб ҳуқуқий терминлар ушбу стандартларга жавоб берса-да, баъзида улар маълум гуруҳларга нисбатан кўпол ёки ноўрин ишлатилиши мумкин. Шунинг учун кенг жамоатчилик

¹³⁰ Омонтурдиев А., Омонтурдиев Ж. Сўз қўллаш санъати. – Термиз: Жайхун, 1994. – 60 б.; Омонтурдиев А. Бир сўз луғати. – Термиз: Жайхун, 1996. – 45 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент, 2000. – 134 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек нуткининг эвфемик асослари. – Тошкент: Халқ мероси, 2000. – 128 б.; Омонтурдиев А. Профессионал нутк эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.

¹³¹ Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши масалалари: филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б. // Холманова З.Т. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 22 б. // Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 23 б. // Рустамова Д. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 50 б.

¹³² Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фал. док-ри дисс... – Бухоро, 2020. – 163 б.

¹³³ Ғайбуллаева Н. Ўзбек тилиди тиббий эвфемизмлар (тиббий даврий нашр материаллари асосида): Филол. фан. бўйича фал. док-ри дисс... – Бухоро, 2019. – 145 б.

¹³⁴ Турдимуродов С. Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида эвфемик маънолар талқини: Филол. фан. бўйича фал. док-ри дисс. автор. – Термиз, 2021. – 56 б.

¹³⁵ Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Toshkent: O'zME, 2002. – B. 124.

хуқуқий тилни тўғри тушуниши ва унга жавоб бериши учун у аниқлик, жонлилик, изчиллик, ўзига хослик ва кундалик нутққа мувофиқлик каби мезонларга ҳам жавоб бериши керак. Шунинг учун қонун ҳужжатларида қўлланиладиган терминология нафақат расмий иш услубига мос келиши, балки нисбатан аниқ ва уйғун бўлиши керак¹³⁶.

Хуқуқий терминологиянинг юқоридаги мезонларга мувофиқлигини муҳокама қилишда “сиёсий тўғрилиқ” (“политкорректность”) деб номланувчи маданий ва хулқ-атвор ҳодисасининг кенг тарқалган таъсирини ҳисобга олиш керак¹³⁷. Ушбу концепция ҳар қандай гуруҳга нисбатан ҳақорат ёки таъқибларни камайтиришга ва камситишларга қарши фаол курашишга қаратилган мулоқот услубини тарғиб қилади. Сиёсий тўғрилиқ кўп жиҳатдан кенг жамоатчиликка, айниқса сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларга бағишланган матнларда ишлатиладиган тилни белгилайди. Тер-Минасованинг сўзларига кўра, “тилдаги сиёсий тўғрилиқ одамларнинг ҳис-туйғулари ва кадр-қимматини поймол қилмайдиган, шунингдек, уларнинг инсон ҳуқуқларини бефарқлик ёки тўғрилиқдан ҳимоя қиладиган, кўпинча ирк, жинс, ёш, ижтимоий мавқе, ташқи кўриниш ҳақидаги мунозаралар билан боғлиқ бўлган янги ифода шакллари излаш истагини акс эттиради”¹³⁸.

Яна бир истиқболли йўналиш – эвфемизацияни тил сиёсати ва мафқураси контекстида кўриб чиқиш. Бинобарин, инглиз тилшуноси Ж.Фаулер “Язык и контроль”¹³⁹ (“Тил ва назорат”) асарида хуқуқий матнларда маълум эвфемистик ибораларни танлаш жамиятдаги ҳукмрон кадриятлар ва ҳокимият муносабатларини қандай акс эттиришини кўрсатди. Бундан ташқари, олимлар эвфемизациянинг оддий фуқаролар томонидан хуқуқий нормаларни идрок этиш ва тушунишга таъсирига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

¹³⁶ Чеметева Ю.В., Давыдова М.Л. Эвфемизация юридических терминов в отношении «третьего возраста»: необходимость и пределы. социология и социальные технологии // Logos et Praxis. 2018. Vol. 17. No. 2. – 83-92 p.

¹³⁷ Буйнова О.Ю. Языковые средства политкорректности в английском языке / О.Ю. Буйнова // Многоязычие в образовательном пространстве. – 2010. – № 2. – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/yazykovye-sredstvapolitkorrektnosti-v-angliyskom-yazyke> (дата обращения: 08.08.2024).

¹³⁸ Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация / С.Г. Тер-Минасова. – М.: Слово, 2000. – 261 с.

¹³⁹ Fowler R. Language and Control. London: Routledge, 2013. – 122 p.

XX асрнинг бошидан бошлаб эвфемизацияни ҳуқуқий тилда ўрганиш янада тизимли ташкил этилди. Ҳуқуқий матнларда эвфемизмлар кўпинча муайян ҳаракат ёки оқибатлар билан боғлиқ ҳиссий юкни камайтириш учун ишлатилади.

Масалан:

Сўз, ибора, ифода	Эвфемалашган шакли
Ишдан бўшатиш	Қисқартириш
Қонунни бузиш	Мажбуриятларни бажармаслик
Ўлим жазоси	Ҳаддан ташқари оғир жазо
Қамалмоқ	Панжара ортига равона бўлмоқ
Бўйсунмаслик, итоат этмаслик	Қонунни четлаб ўтмоқ

Ҳуқуқий тилда эвфемизация бўйича замонавий тадқиқотлар турли жиҳатларни, шу жумладан, социолингвистика, семантика ва ҳуқуқни муҳофаза қилишни қамраб олади. Кўпгина олимлар эвфемизмлардан фойдаланишда контекстнинг аҳамиятини ва уларнинг ҳуқуқий нормаларни идрок этишга таъсирини таъкидлайдилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эвфемизмлар ҳуқуқни муҳофаза қилишни қийинлаштириши мумкин, чунки улар ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай эвфемизмлар жамоатчилик фикрини бошқариш учун ишлатилиши аҳамиятлидир. Масалан, солиқ қонунларида эвфемизмлардан фойдаланиш фуқароларга солиқларнинг ҳақиқий юкни нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин.

ХУЛОСА

Эвфемизмлар қонунчилик ва ҳуқуқий (шу жумладан, ҳуқуқий матнлар) ва маъмурий ҳужжатларда кенг тарқалган. Улар объект, ҳаракат ва белгилар, номинацияларни “зарарсизлантириш”, масалан, лойиҳалашда, баённома, шартнома ва бошқа ҳужжатларда ишлатилади¹⁴⁰. Аммо қонун ҳужжатларидаги эвфемизмлар махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Қонун матнларидаги эвфемизацияни ўрганиш муҳим мавзудир, чунки у нафақат тилдаги лексик ўзгаришларни, балки жамиятнинг ижтимоий ва маданий ўзгаришларини ҳам акс эттиради. Ушбу ҳодисани тушуниш қонунчиликни шакллантириш механизмларини ва уни жамият томонидан идрок этишни яхшироқ тушунишга имкон беради.

¹⁴⁰ Алексеева О.С. Использование эвфемизмов в различных общественных сферах деятельности // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2010. № 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-evfemizmov-v-razlichnyh-obschestvennyh-sferah-deyatelnosti> (дата обращения: 10.08.2024).

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Алексеева О.С. Использование эвфемизмов в различных общественных сферах деятельности // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2010. – № 10. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-evfemizmov-v-razlichnyh-obschestvennyh-sferah-deyatelnosti> (дата обращения: 10.08.2024).

2. Буйнова О.Ю. Языковые средства политкорректности в английском языке / О.Ю.Буйнова // Многоязычие в образовательном пространстве. – 2010. – № 2. – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/yazykovye-sredstvapolitkorrektnosti-v-angliyskom-yazyke> (дата обращения: 08.08.2024).

3. Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фал. док-ри дисс. – Бухоро, 2020. – 163 б.

4. Enright D.J. Fair of Speech: The Uses of Euphemism / D.J. Enright. – Oxford: Oxford Univ. Press, 1985. – 225 p.

5. Fowler R. Language and Control. – London: Routledge, 2013. – 122 p.

6. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Toshkent: O'zME, 2002. – B. 124.

7. Исмаилова О.И.

а) Языковая игра как механизм словотворчества в публицистическом дискурсе англоязычных стран // Язык. Социум. Культура. Сборник научных статей. – 2016. – С.

б) Стилистическое использование прецедентных феноменов в медиатексте // Научное обозрение: гуманитарные исследования. – 2016. – № 10. – С. 219–224.

8. Крысин Л.П. Эвфемизмы в современной русской речи [Электронный ресурс]. – URL: www.philology.ru

9. Кудряшова А.П. Об использовании эвфемизмов // Форум молодых ученых. – 2018. – № 4 (20). – С. 758–762.

10. Малый академический словарь / под ред. А.П. Евгеньевой. – М., 1984. – С. 746.

11. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутк эвфемикаси (чорвадорлар нутки мисолида): филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.

12. Пауль Г. Принципы истории языка / Г. Пауль. – М.: Изд-во иностр. лит., 1960. – 500 с.

13. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация / С.Г. Тер-Минасова. – М.: Слово, 2000. – 261 с.

14. Чеметева Ю.В., Давыдова М.Л. Эвфемизация юридических терминов в отношении «третьего возраста»: необходимость и пределы. Социология и социальные технологии // Logos et Praxis. – 2018. – Vol. 17. – No. 2. – P. 83–92.

15. Штернберг Л. Табу // Энциклопедический словарь. – Петербург, 1901.